

**БОЛАЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК
ТАҲЛИЛИ: ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13777352>

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Жуманиёзов Нодирбек Ғиёс ўғли

jumaniyozovnodir0@gmail.com

+998972035351

Долзарблиги: *Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда бот-бот вояга етмаганларга нисбатан тажовузлар содир этилаётгани ҳақида хабарлар тарқалапти. Ҳатто, бу воқеаларнинг айримлари болаларнинг ўлими билан тугамоқда. Кенгроқ миқёсда қаралганда, нафақат бизда, балки бутун дунё бўйлаб педофилия билан боғлиқ жиноятлар сони ошаётганини кузатиш мумкин. Бу турдаги жиноятларни камайтириш, бутунлай йўқотиш учун тегишли кескин чоралар кўриш вақти етди. Яқинда кетма-кетликда рўй берган ҳолатлар: Тошкентда ўн икки ёшли қизнинг фожиали ўлими, Хоразмдаги воқеалар вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик мавзусидаги муҳокамаларнинг салмоқли кўпайишига олиб келди. Оммада талай хато қарашлар, фикрлар кузатилди, иккала ҳолатга ҳам бир нуқтадан қаралди. Жамиятда бу масалада билимнинг етишмаслиги кўринди, натижада муаммо билан курашишда тўсиқлар вужудга келиши мумкин. Ушбу мақолада, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш жиноятига қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибалар таҳлили ҳамда ушбу жиноят ривожланиш тарихи ёритилган.*

Калит сўзлар: *16 ёшга тўлмаган шахс, жинсий алоқада бўлиш, дахлсизлик, педофилия, жисмоний зўравон, жинсий эркинлик.*

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятларининг жиноий-ҳуқуқий таснифлашда унинг юридик таҳлилини амалга ошириш зарур ҳисобланади. Юридик таҳлил объект, объектив томон, субъект, субъектив томон ҳаракатларидан иборатдир.

Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг ривожланиш тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа ва бошқа жинсий ҳаракатлар учун жавобгарлик институти узоқ вақтдан бери мавжуд. Шунга қарамай, жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу жиноятларнинг элементлари ва хусусиятлари тўғрисида ягона тушунча мавжуд эмас. Шу муносабат билан болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хаммамизга маълумки, ҳар қандай ижтимоий ҳавfli қилмиш таркибининг элементларини ўрганиш унинг объектив белгиларини таҳлил қилишдан бошланиши керак.

Жиноят объектини аниқлаш жиноят оқибатида зарар етказадиган ижтимоий муносабатларни ҳар тамонлама ўрганишни талаб этади. Шахсга қарши қаратилган жиноятларда шахсга етказилган жисмоний ва маънавий зиённинг хусусияти, жабрланувчини тавсифловчи жихатлар синчковлик билан таҳлил этилиши лозим.

Болаларга нисбатан жиноятлар ва жинсий жиноятлар содир этилганда тажавуз объекти сифатида бир қатор муаллифлар томонидан қўйидагича қаралади: жинсий дахлсизлик ва боланинг нормал ривожланиши¹⁰, жинсий етукликка еришмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий жихатдан нормал ривожланиши¹¹, жинсий дахлсизлик¹², боланинг нормал ривожланиши, боланинг жинсий жихатдан нормал ривожланиши¹³, болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар¹⁴.

Кўриб турганимиздек муаллифлар жиноят объекти бўйича турли нуктаи назарда бўлиб, “жинсий дахлсизлик” тушунчасини қўллайдилар. Шў ўринда ушбу атамага тушунтириш бериб ўтиш лозим.

“Дахлсиз” атамаси ўзбек тилининг изохли луғатида “ҳеч ким дахл қила олмайдиган, қўл тегиза олмайдиган, ҳар қандай қасд ёки тажовуздан ҳимоя қилинган ёки қилинадиган; бузилмас, “дахлсизлик” сўзи эса ҳар қандай хавф ёки тажовуздан ҳимоя этилганлик¹⁵ маъноларини билдиради.

Жинсий дахлсизлик деганда болалар, яъни 16 ёшга тўлмаган шахслар билан ҳар қандай жинсий алоқалар ёки бошқа характердаги ҳар қандай жинсий (шахвоний) ҳаракатларни амалга оширишнинг, улар рози бўлган ёки рози бўлмаганидан қатъи назар қонун томонидан тақиқланганлиги тушунилади¹⁶.

Бу борада жиноят объекти конкрет вояга етмаганнинг жинсий ривожланиши ёки жисмоний ривожланиши деб белгиловчи муаллифларнинг фикрлари асоссиздир. Масалан, А.Н.Игнатов фикрига кўра, “жинсий етуклик” тушунчаси нафақат социал-биологик, балки жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга ҳам ега бўлиб, жабрланувчининг индивидуал ҳолатини белгилаб беради ва шу орқали жиноят қонуни билан қўриқладиган объектларга етказилган зарарларни аниқлаш мумкин. Айнан “жинсий етуклик” мезонининг ишлатилиши жинсий муносабатлар соҳасида боланинг нормал жинсий ва рухий соғлом ривожланиши учун уларни тажавузлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради¹⁷.

¹⁰ Пионтковский А.А., Меншагин В.Д. Курс советского уголовного права (Особ. часть) – М.: Горюристанд. 1955.-С.627

¹¹ Советское уголовное право (Особенная часть). И.И.Синицкий и др. – Л: ЛГУ. 1959. – С.184.

¹² Рашковская И.И. Преступления против жизни, здоровья, свобода и достоинства личности. – М.: ВЗЮИМ, 1959. – С.64.

¹³ Шаргородский М.Д. Ответственность за преступления против личности. – Л: ЛГУ, 1963. – С.95.

¹⁴ Утевский Б.У. Советское уголовное право. – М.:ГИЮЛ, 1958. – С.169.

¹⁵ <https://izoh.uz/uz/word/daxlsizlik>

¹⁶ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жихатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 51.

¹⁷ Черниловский З.М. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 2009. – С. 287.

¹⁷ Игнатов А.Н. Квалификация половых преступлений. Для служебного пользования. – М.:Юридическая литература, 1974. – С.202.

Олимларнинг ушбу фикрига криминологик соҳада қўшилиш мумкин, лекин жиноий-ҳуқуқий соҳада қўшилиб бўлмайди¹⁸. Чунки жиноят қонунчилигида болаларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилаган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалар диспозициясида жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи шарт сифатида “жинсий етуклик” атамаси эмас, балки муайян ёш (14, 16, 18) белгиланган.

Демак, болаларнинг болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган тажавузларнинг объекти 16 ёшга тўлмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва нормал ривожланиши ҳисобланади. Шунингдек таҳлил қилинаётган жиноий қилмишлар жамиятнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол келажак авлодни тарбиялашга бўлган манфаатларига ҳам жиддий хавф солади. Бундай тажавузларнинг қўшимча объекти бўлиб шахснинг соғлиги ҳисобланади. Масалан, ЖК 118, 119-моддалари учунчи ва тўртинчи қисмлари, 128-модда иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятлар содир этилганда жабрланувчиларнинг жинсий дахлсизлиги билан бир қаторда баданига турли даражада шикаст етказиши мумкин¹⁹.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш жиноятнинг объекти 16 ёшга тўлмаган боланинг жинсий дахлсизлиги ва нормал ривожланишлари ҳисобланади. Қўпчилик олимлар²⁰ мазкур жиноят объекти сифатида “жинсий дахлсизлик ва нормал ривожланиш”ни кўрсатадилар. “Нормал жинсий ривожланиш” эса, Ю.К.Сушенко назарида, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) шахс жинсий тузилмасининг жисмоний жихатдан тўғри ривожланиши;
- 2) жинсий муносабатлар соҳасидаги ахлоқий қарашларнинг шаклланиши;
- 3) ушбу шаклланиш ва ривожланиш шарт-шароитлари.

Г.П.Краснюк эса юқоридаги гуруҳ олимларидан фарқли равишда мазкур жиноят объектини “жинсий хавфсизлик” деб ҳисоблаб, ушбу объектга “шахснинг жинсий муносабатлар соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳимоя қилганлик ҳолати” деб таъриф беради.

К.П.Пайзуллаев эса, бундай тажавузларни жинсидан қаътий назар барча 16 ёшга тўлмаганлар учун хавфли эканлигини, шубҳасиз жинсий алоқада бўлиш эркак жинсига тегишли шахсга қиз учун бўлган оқибатларни, яъни дефлорация²¹,

¹⁸ Краснюк Г.П. Ненасильственные сексуальные посяательства на лиц, не достигших четырнадцатилетнего возраста: Автореф.дис...канд.юрид.наук. – Краснодар, 2000. – С.14; Туктарова И.Н. Уголовно-правовая охрана несовершеннолетних. Автореф.дис...канд.юрид.наук. – Саратов, 2000. – С.17; Мамутов А. Преступления, составляющие пережитки патриально-родового быта. – Алма-Ата, 1963. – С.188-190; Сапожников Ю.С. Об определении половой зрелости у лиц женского пола //Материалы 4-ой расширенной научной конференции Киевского отделения Украинского научного общества судебных медиков и криминалистов. – Киев, 1959. – С.56-57; <http://2001.novaya gazeta.ru>.

¹⁹ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жихатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 51.

²⁰ Туктарова И.Н. Уголовно-правовая охрана несовершеннолетних: Автореф. дис...канд.юрид.наук. – Саратов, 2000. – С.17; Игнатов А.Н. Ответственность за преступления против нравственности (половые преступления). – М.: Юридическая литература, 1966, - С.10-11.

²¹ Дефлорация (лат. de «удаление, устранение» + flos, floris «цветок, молодость, девственность») — нарушение целостности девственной плевы. Дефлорация чаще всего происходит при первом половом сношении.

хомиладорлик²², аборт²³ каби оқибатларга олиб келмаслигини таъкидлайди²⁴. Лекин шундай бўлсада шсмир ўғил болалар учун ҳам жинсий хаётнинг барвақт эрта бошланиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. А.Б.Сахаровнинг таъкидлашича, вояга етмаган жиноятчиларнинг учдан бир қисми жинсий хаётни ерта бошлаганлардир²⁵.

Тиббиётда етилмаган организмнинг жинсий алоқа билан боғлиқ холатлари салбий реакция кўрсатиши аниқланган. Бу эса ўз вақтида ўсмирнинг жисмоний ва жинсий ривожланишига салбий таъсир қилади ва маънавий дунёсини қашшоқлашувига олиб келади. Қолаверса, барвақт уйғонган жинсий майлни қондириш ва ахлоқий онгнинг хали тўла шаклланмаганлиги ўсмирда жинсий жиноятларни содир қилишга ундовчи мотив бўлиб хизмат қилади²⁶.

Жиноят қонуни билан муҳофаза қилинувчи ижтимоий муносабатларга тажавуз субъектнинг муаяян фаолияти бўлиб, унинг ўзи ёки бошқа кучлар билан биргаликда мавжуд ижтимоий муносабатга хавф тўғдиради ёки ҳақиқатдан ҳам зиён етказиши. Шу ўринда айтиш жоизки объектив томон белгиларининг ҳаммаси ҳам турли хил жиноятларда бир хил мазмунга эга эмас.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг объектив томони хусусиятлардан бири сифатида бу турдаги жиноятларнинг фақат фаол ҳаракатлар билан амалга оширилишида кўриш мумкин. Шунинг учун шахвоний характерда бўлган аниқ ҳаракат, яъни шахс жинсий манфаатларига зарар етказадиган ёки бундай зарар етказиш хавфини тўғдирадиган ҳаракатларни амалга оширишнинг реаллиги ёхуд бундай характердаги жиноятларнинг фактик амалга оширилиши барча болалар жинсий дахлсизлигига тажавузларнинг объектив томони учун зарурий белги ҳисобланади. Бироқ, бу борада жинсий эҳтиёжни қондиришга қаратилган бўлса-да, лекин вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигини бузмайдиган, балки бошқа ижтимоий муносабатларни бузувчи ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар жинсий жиноятлар тизимига киритилмаслиги лозим.

²² Беременность, тяжелая ножа — физиологический процесс, заключающийся в том, что оплодотворенная яйцеклетка развивается в материнском организме и становится зрелым плодом. Созревшая в женском яичнике яйцеклетка начинается с слияния (оплодотворения) клетки с мужской гаметой и длится в среднем 280 дней, то есть 10 лунных месяцев.

²³ Абóрт (искусственный аборт, от лат. *abortus* — «выкидыш») — искусственное прерывание беременности. По современным медицинским стандартам, аборт проводится, как правило, при сроке до 20 недель беременности или, если срок беременности неизвестен, при массе плода до 400 г

²⁴ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминалогик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 51.

²⁵ Сахаров А.Б. Правонарушение подростка и закон. – М.. 1967. – С.160.

²⁶ Тохиров Ф. Ёшлар тарбияси – ҳаммининг иши // Хаёт ва қонун журнали. – 2001. №2-3. – Б. 50.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилагн жиноятларнинг барчаси формал таркибли жиноят ҳисобланиб, айбдорнинг ўз жинсий маънфаатларига эришган ёки эришмаганлигидан қатъи назар тугалланган ҳисобланади.

Шунингдек, жинсий алоқа содир бўлганидан кейин жабрланувчи унга нисбатан содир қилинган хатти-харакатларни бошқаларга айтмаслиги учун ёки бошқа мотивлар юзасидан айбдор томонидан унга шикаст етказилиши ёки қўрқитилиши болаларнинг номусга тегиш учун зўрлик ишлатиш деб қаралмасдан Жиноят кодексининг “соғлиққа қарши жиноятлар”га тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

Объектив томондан болаларнинг номусига тегиш уларни қўрқитиш, яъни психологик рухий зўрлик ишлатиш орқали ҳам содир этилиши мумкин²⁷. К.П.Пайзуллаевнинг таъкидлашича, болаларнинг номусига тегиш 16,1% ҳолатларда қўрқитиш орқали содир этилади. Объектив томондан қўрқитиш ҳар доим ҳам (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишдан ташқари) алоҳида жиноят таркибини ташкил қилмайди. А.Ниёзов фикрича, “қўрқитиш бошқа жиноятнинг объектив томон элементи сифатида намоён бўлган ҳолларда у жабрланувчининг қаршилигини синдириш, агар у айбдорнинг талабини бажармаса у ёки бу хил шикаст етказиш билан чўчитиш мақсадида унинг психикасига таъсир этиш усули ва воситаси бўлиб хизмат қилади”²⁸. А.Г.Игнатов эса қўрқитишнинг турларини кўрсатиб ўтиб, қуйидаги фикрни илгари суради: “Шантаж, келажакда мулкни йўқ қилиб юбориш билан қўрқитиш, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш аёлни ёрдамсиз аҳволга олиб келмайди, шунинг учун номусга тегиш усуллари билан ҳисобланиши мумкин эмас”²⁹.

Бизнинг фикримизча, қўрқитиш нима мақсадда қилинаётганлигига ва жиноят қонунида назарда тутилган ҳолатларга эътибор қаратиш лозим. Агар айбдор қўллаётган қўрқитишдан мақсад номусга тегиш учун жабрланувчининг қаршилигини синдириш бўлса ва қонун шундай қўрқитишни назарда тутган бўлса, бундай қўрқитишни болаларнинг номусига тегиш жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракат сифатида қабул қилиш мумкин. Масалан, катта ёшли А 12 ёшли ўғай қизи Б нинг номусига тегишда унинг қаршилигини енгиш учун Бни ва унинг онасини ташлаб кетиши ҳамда уларни моддий таъминлашдан бош тортиш ва бунинг натижасида улар очликдан ўлиб кетишларини айтиб, уни қўрқитиб, номусига тегишга ҳаракат қилади³⁰. Ўзбекистон Республикаси Жқнинг 122-моддасида қармоғидаги вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин

²⁷ Преступление: вопросы и ответы (по Уголовному кодексу Российской Федерации): Научно-практическое пособие /Отв.ред. Н.Ф.Мурашов. 2-изд.,исправления и дополнения – М.: Шумилова И.И., 2001. – С.150-151; Чечель Г.И. Жестокий способ совершения преступлений против личности. – М.:Нальчик, 1991. – С.112.

²⁸ Ниёзов А. Қўрқитиш жиноятининг ҳуқуқий тушунчаси ва уни таснифлаш // Ж. Қонун номи билан – 1995.№3-4. – Б.54.

²⁹ Игнатов А.Н. Квалификация половых преступлений. Для служебного пользования. – М.:Юридическая литература, 1974. – С.44-45.

³⁰ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди архивидан.

товлаганлиги учун жинсий жавобгарлик белгиланган бўлиб, юқорида келтирилган мисолда моддий таъминлашдан бош тортиш қўрқитиш йўсинида номусга тегиш жиноятининг таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг юқоридагилардан ташқари объектив томондан жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланган холда ҳам содир этилади.

Ожизлик ҳолати деганда, жабрланувчининг шундай ҳолати тушуниладики, бунда у ўзига нисбатан содир қилинаётган ҳаракатларни тушунмайди ёки тушунсада, ўз иродасини кўрсатиб қаршилиқ қилиш имкониятига ега бўлмайди. Бу борада А.Қодиров ожизлик ҳолатига қуйидагича таъриф беради: “ожиз ахволдалиқ – шахснинг жисмоний ва рухий ҳолатига кўра ўзига нисбатан содир қилинаётган жинорий ҳаракатларни тўғри баҳолашга ёки унга қаршилиқ кўрсатишга ёки хавфдан бошқача усулларда қочиб қутилишга қодир бўлмастлигидир”³¹. Олимнинг мазкур тарифи анча мукамал бўлса-да, бизнинг назаримизда, бу ерда шахснинг хавфдан қочиб қутилиши эмас, балки хафни ўзидан бартараф эта олиши кўзда тутилса тўғри бўлар эди. Полша давлатининг жиноят кодексида эса ожиз ахволдаги, ўзининг ақлий даражасининг пастлиги ёки рухий касаллиги туфайли унга нисбатан содир этилаётган қилмишнинг мохиятини англай олмайдиган шахсларга нисбатан шахвоний тусдаги ҳаракатлар қилганлик учун мустақил жинорий жавобгарлик белгиланган³².

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2010 йил 29-октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарорида ожиз ахвол сифатида, алкогольли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар таъсирида келиб чиққан шундай даражадаги мастлик ҳолати тан олиниши мумкинки, бунда жабрланувчи атроф-вазиятни англай олмаган ва бу ҳолат уни айбдорга қаршилиқ кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлганлиги кўрсатилган. Иш бўйича жабрланувчи бундай ҳолатга айбдор томонидан туширилганлиги (масалан, спиртли ичимликлар ичирган, наркотик, уйқудори берган ва ҳ.к.) ёки айбдорнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган тарзда ожиз ахволда бўлганлиги аҳамият касб этмайди.

Юқоридаги кўрсаткичлар асосида К.П.Пайзуллаев ожизлик ҳолатини икки турга бўлади:

Биринчиси, жисмоний ожизлик ҳолати. Бунда жабрланувчи ўзи билан жинсий алоқа киришаётганлигини, жинсий алоқанинг мохиятини англаб етади, лекин жисмоний етишмовчиликлари тувайли (масалан вояга етмаганнинг айбланувчига нисбатан заифлиги, касаллиги ва ҳ.к туфайли) айбдорга қаршилиқ кўрсата олмайди.

³¹ Қодиров А. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. – Т: Адолат 2018. – Б. 50

³² Уголовный кодекс Польши. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс, 2001. – С.150.

Иккинчиси, рухий ожизлик холати. Бунда жабрланувчи ўзига нисбатан қилинаётган ҳаракатларнинг, жинсий алоқа мохиятини англаб етмайди ва шу боис зўрлик ишлатувчига қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ожизликка боланинг ёшлиги, рухий касаллиги ва бошқа холатлар сабаб бўлади³³.

Шунингдек, жабрланувчининг ожизлик холати унинг мастлик (алкагол, нарқотик истаъмол қилиши) холатидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Тадқиқот натижаларига кўра, 12,9% холатларда ушбу турдаги жиноят жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб қилинганлиги, 31% холатларда эса жиноят содир этилаётган вақтда жабрланувчи мастлик холатида бўлганлиги аниқланган.

Суд тергов амалиёти шуни кўрсатадики, маст холатдаги шахсни ожиз ахволда деб топиш учун, авваламбор бундай шахснинг унга нисбатан содир этилган жинсий муносабат мохиятини тушуна олиши фактини аниқлаш лозим. Бунинг учун жабрланувчи мастлик даражасини аниқлаб олиш зарур. Суд тиббиётида мастликнинг энгил, ўртача ва оғир даражалари фарқланиб, фақат оғир даражадаги мастлик холатида жабрланувчи унга нисбатан содир этилаётган жинсий муносабатга баҳо бера олмайди, шунинг учун ҳам қаршилик кўрсатиш имкониятидан махрум бўлади³⁴. Демак шахсни оғир даражадаги мастлик холатида бўлсагина, уни ожиз ахволдаги шахс деб топиш мумкин бўлади. Жиноий қилмишни квалификация қилишда жабрланувчини бундай мастлик холатига тушишига ким сабабчи бўлганининг ахамияти йўқ.

Тадқиқот доирасида рухий касаллика чалинган бола билан зўрлик ишлатмасдан жинсий алоқага киришишнинг жавобгарлик масаласини ҳам кўриб чиқишимиз лозим. Баъзи муаллифлар, масалан, А.А.Жижеленко³⁵, М.Д.Шаргородский³⁶ ларнинг фикрига кўра, рухий касалликка чалинган шахс билан жинсий алоқага киришиш номусга тегиш деб қаралиши керак. Лекин бу фикр тўлиқ эмас, чунки рухий касалликлар турли хил бўлиб, турли хил оқибатларга олиб келади. Ундан ташқари, ушбу касалликлар турли холатларда кечиб, рухий касалликка чалинган аёл ёки эркак киши ҳар доим ҳам уларга нисбатан содир қилинаётган ҳаракатларни англаб етмасликлари мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, фикримизча, ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олмайдиган ва уларга нисбатан содир қилинаётган ҳаракатларнинг мохиятини англаб етмайдиган рухий касалликка чалинган шахслар билан жинсий алоқага киришишни номусга тегиш деб фақат айбдор жабрланувчининг ахволини билган ва ундан фойдаланган холдагина тан олинади.

³³ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 51.

³⁴ Бюллетень Верховного суда Российской Федерации. 1997. №8. – С.7.

³⁵ Жижиленко А.А., Оршанский А.Г. Половые преступления. – М., 1927. – С.30.

³⁶ Комментарий к уголовному кодексу РСФСР 1960 г. – Л.:ЛГУ, 1962. – С.234.

Шунингдек, 16 ёшга тўлмаган жабрланувчи жинсий алоқанинг мохиятини ва унинг қандай оқибатларга олиб келишини ёшлиги туфайли англаб етмаган холда айбдор билан жинсий алоқа қилишга розилик берган бўлса ва айбдор юқоридаги холатлардан фойдаланиб жабрланувчининг розилиги билан жинсий алоқага киришса, бу холатни жабрланувчининг ожиз холатидан фойдаланиш деб ҳисоблаш лозим. Бунда ишдаги барча далилий холатлар, жабрланувчининг психик ривожланганлик даражасини ўрганган холда қилмишни Жиноят кодексининг 118-моддаси учунчи қисми “а” банди билан ёки, агар жабрланувчи 14 ёшга тўлмаган бўлса шу модданинг тўртинчи қисми билан квалификация қилиш лозим бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу жиноят формал таркибли бўлиб, бошланишидан тугалланган ҳисобланади. Объектив томоннинг бошланишини изоҳлайдиган ҳаракатларга қуйидагилар кириши мумкин, масалан: кийимни мажбуран ечиш, йиртиб ташлаш, жисмоний шикаст етказиш ва калтаклаш, қийноққа солиш ва бошқа шунга ўхшаш жабрланувчининг иродасини синдирадиган қилмишлар таълуқлидир³⁷. Лекин бизнингча, номусга тегишга суиқасд деб топиш учун юқоридаги холатлар камлик қилади ва бу ерда айбдорнинг касди айнан номусга тегишга қаратилганлигини аниқлаш муҳимдир³⁸. Мисол учун айбдор юқоридаги ҳаракатларни содир этиш орқали номусга тегишни кўзламасдан шунчаки жабрланувчини шарманда қилишни, ҳақоратлашни, камситишни кўзлаган бўлиши мумкин. Бундай холатларда айбдорнинг ҳаракатлари номусга тегишга суиқасд қилиш эмас, балки шахсга қарши қаратилган бошқа турдаги жиноят сифатида баҳолаш лозим.

Жиноятнинг кейинги объектив томон белгиси эса, жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондиришдир. Суд тиббиёт мутахассислари жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулларига қуйидагиларни киритишади:

1. Бесоқолбозлик³⁹;
2. Трибадия⁴⁰ (лезбианлик билан шуОуллауувчи аёллар муҳаббати, аёллар ўртасидаги муҳаббат);
3. Зоофилия⁴¹ ёки содамия⁴² (хайвонларга муҳаббат қўйиш);

³⁷ Рустамбоев М. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Т. Адолат нашр. 2022. – Б.154

³⁸ Бюллетень Верховного суда Российской Федерации. 1997. №8. – С.5.

³⁹ Бесоқолбозлик, яъни эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши.

⁴⁰ Трибадия - (греч. *tribo* — тереть), форма женского гомосексуализма, при которой половое удовлетворение достигается трением половых органов о различные части тела партнёра либо при попытках имитации коитуса с введением клитора во влагалище.

⁴¹ Зоофилия (от греч. ζῷον «животное» + φίλια «дружба; любовь») или скотоложество, *скотоложество* — парафилия, определяемая как влечение человека, направленное на животных, или признание животных сексуально привлекательными. Термин был предложен в 1894 году немецким психиатром Рихардом Крафт-Эбингом в книге «Сексуальные психопатии».

4. Педофилия⁴³ (ёш бола билан жинсий алоқа қилиш);

5. Некрофилия⁴⁴ (ўлганларга ружу қўйиш) ва хоказо.

Улар шунингдек, жинсий эхтиёжни ғайритабиий усулларда қондириш тушунчачини жинсий эхтиёжни табиий усулда қондириш ўрнини босувчи жинсий алоқа қилишнинг ноодатий усуллари ва йўллари тушунчаларини бир хил тушунча деб таъкидлайдилар. Бундай усул ва йўлларга улар тўғри ичак (*caitus per anum*)⁴⁵, оғиз (*caitus per os*)⁴⁶ орқали жинсий алоқа қилишни, садизм⁴⁷ (аёлни жинсий алоқа қилишда қийнаш), мазохизм⁴⁸ (эркакни аёл томонидан жинсий алоқа қилиш давомида қийнаш)ларни кўрсатадилар⁴⁹.

Шў ўринда таъкидлаб ўтиш керакки “коитус” холати (“междубедерный коитус” – жабрланувчининг икки оёғи орасидан фойдаланиб жинсий эхтиёжни қондириш) ҳам жинсий эхтиёжни ғайритабиий усулда қондириш характеридаги қилмишлар тоифасига киритилган бўлиб, бундай характердаги қилмишларни уятсиз-бузуқ харакатлар деб квалификация қилиш холатлари хозирги суд амалиётидаги камчиликлардан бири бўлиб қолмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юқоридагиларнинг бирортасини жинсий алоқа деб бўлмайди. Тўхталиб ўтганимиздек, жинсий алоқа деганда фақат қарама қарши жинс вакилларининг жинсий органлари орқали табиий қўшилиши тушунилади. К.П.Пайзуллаев таъкидлаганидек, жинсий эхтиёжни қондиришга қаратилган қолган барча харакатлар жинсий эхтиёжни ғайритабиий усулда қондириш харакатларига қиради.

⁴² Содомия (от фр. *sodomie*), содомский грех — исторический термин, гипероним для обозначения различных форм сексуального поведения, оцениваемого как девиантное, и имеющий богословскую и правовую окраску. Понятие содомии включало в себя в различных толкованиях всевозможные проявления сексуальности, не связанные с возможностью зачатия новой жизни: гомосексуальные контакты, отличные от вагинального полового акта гетеросексуальные практики (например, оральные и анальные контакты), сексуальные контакты с животными, мастурбацию и другие. В некоторых юридических системах под содомией понимались или понимаются любые «неестественные» сексуальные контакты или парафилии, промискуитет и кровосмешение. Термин восходит к библейскому повествованию о гибели Содома и Гоморры и введён в XI веке теологом Петром Дамиани.

⁴³ Педофилия – форма сексуальной девиации, характеризующаяся половым влечением к детям. Проявляется фантазиями и действиями сексуального характера в отношении мальчиков или девочек допубертатного и раннего пубертатного возраста.

⁴⁴ Некрофилия (от др.-греч. νεκρός — «мёртвый» и φίλια — «любовь»), или труположество, — любовь ко всему мёртвому, в многочисленной литературе выражена как парафилия, являющаяся половым влечением к трупам, что является только частным случаем. Может рассматриваться в том числе как разновидность фетишизма или как самостоятельное расстройство полового предпочтения. Является противоположностью биофилии.

⁴⁵ Анальный секс (от лат. *anus* — анус), также анализм, анальный коитус, анальная пенетрация, анальное сношение, заднепроходное сношение — половые сношения, совершаемые путём введения полового члена, фаллопротеза или страпона одного партнёра в анальное отверстие другого. Анальные сношения практикуются как между разнополюми, так и между однополюми партнёрами. При этом такой вид полового акта в отличие от вагинального сношения требует от партнёров некоторой предварительной подготовки.

⁴⁶ Минет ([mɪˈnɛt]; от фр. *minette* [mi.net] — кошечка, *faire des minettes* — (разг.) щекотать, ласкать) — собирательное название орального секса, при котором половой член пассивно возбуждается ртом, языком, зубами или горлом принимающего партнёра. Минет, помимо человека, обнаруживается у приматов и рукокрылых.

⁴⁷ Садизм (назван по имени описавшего его Маркиза де Сада) в широком смысле — склонность к насилию, получение удовольствия от унижения и мучения других. Понятие «садизм» впервые введено в научный обиход австро-немецким психиатром Рихардом фон Крафт-Эбингом в изданной в 1886 году монографии «Половая психопатия».

⁴⁸ Мазохизм (нем. Masochismus) — склонность получать удовольствие, испытывая унижения, насилие или мучения. Может быть чертой характера или девиацией в поведении. Термин был введён психиатром и неврологом Рихардом фон Крафт-Эбингом в монографии 1886 года «Половая психопатия».

⁴⁹ Роземблюм Е.Е., Сердюков М.Г., Мосляков В. Судебно-медицинская, акушерско-гинекологическая экспертиза. – М.: Медицина, 1935. – С.10; Сердюков М.Г. Судебная гинекология и судебное акушерство. – М.: Медицина, 1957. – С.127.

Болаларга нисбатан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш фақатгина уларга зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки уларнинг ожизлигидан фойдаланиб содир қилингандагина Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 119-моддаси учунчи қисм “а” банди ёки тўртинчи қисми билан квалификация қилинади. Зўрлик ишлатмасдан уларнинг розилиги билан содир этилганда эса агар жабрланувчи 16 ёшга тўлмаган бўлса ЖКнинг 128-моддаси билан квалификация қилинади. Агар эркак жинсидаги жабрланувчи 16 ёшга тўлган бўлиб, эркак киши унинг розилиги билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондирган бўлса бесоқолбозлик сифатида малакаланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.** Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.
- 2.** Советское уголовное право (Особ. часть) / И.И. Сеницкий и др. –Л: ЛГУ, 1959. – С. 158.
- 3.** Сексуальное насилие у подростков. Пособие для врачей-курсантов. Под редакцией профессора Ю.А.Гуркина. – Санкт-Петербург: ППМИ, 1997. –С.3.
- 4.** Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноят ёхуд жинсий қилмишларга доир муамоллар // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2003. -№6. –Б. 17. Юридический словарь. В 2-х т. –М: Юридическая литература, 1997. Т.2. – С. 228.
- 5.** Флоренций Б.Ю. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 1959. – С. 287.
- 6.** Александров К. М. Офицерский корпус армии генерал-лейтенанта А. А. Власова. Биографический справочник. — М.: Посев, 2001. — ISBN 978-5-85824-186-
- 7.** Пудовочки Ю.Е. Ответственность за преступления против несовершеннолетних по российскому уголовному праву. Научн. ред. докт. юрид. наук, проф. Г.И. Чечель. – Санк-Петербург: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 17